

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети
5620700 - “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавр таълим йўналиши
Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
кафедра мудири
М.Ж.Тўлаганов
“ ” 2012 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Эргашев Хурийд Нарзуллаевич

1. Битирув ишининг мавзуси : “Самарқанд вилояти Нарнай туманидаги “Зарафшон” массиви ҳудудидан газ қўйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун ер ажратиш лойиҳаси”
2. “13” 09. 2011 йил №2 -сон кафедра мажлисида маъқулланган Битирув малакавий ишини топшириш муддати «26» 05. 2012 йил.
3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар
4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

1 Кириш. 2.1- боб Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи . 3.2- боб. Массив ҳудудидан газ шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун ер ажратиш лойиҳаси. 4.3- боб Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5.Хўлоса. 6.Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати. 7.Иловалар

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).
 1. Массивнинг қишлоқ ҳўжалик экинлари ва ер турлари тўширилган тарҳи
 2. Массив ҳудудидан газ қўйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун ер ажратиш лойиҳаси (2 ечимда)
 3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвали

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо. Сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	2	3	4	5
1	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>А.Мамажанов</i>		

7.Битирув ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширув дан ўтганлик муддати
		Сана	куни	%	
1	<i>БМИни бажариш учун топширик олиш ва дастурни ишлаб чиқиш</i>	<i>02-04.04.12</i>	<i>3</i>	<i>5</i>	
2	<i>1-боб “Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи”ни ёзиш</i>	<i>05-10.04.12</i>	<i>6</i>	<i>15</i>	
3	<i>Массивнинг ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинлари туширилган тарҳини чизиш.</i>	<i>11-15.04.12</i>	<i>5</i>	<i>23</i>	
4	<i>2-боб.” Массив ҳудудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш лойиҳаси”ни 2 ечимда ишлаб чиқиш</i>	<i>15-30.04.12</i>	<i>16</i>	<i>51</i>	
5	<i>Лойиҳавий чизмаларни чизиш(2ечимда)</i>	<i>01-05.05.12</i>	<i>5</i>	<i>59</i>	
6	<i>3-боб “Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш”ни ёзиш</i>	<i>06-15.05.12</i>	<i>10</i>	<i>76</i>	
7	<i>Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.</i>	<i>16-19.05.12</i>	<i>4</i>	<i>84</i>	
8	<i>Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатини тузиш</i>	<i>20-23.05.12</i>	<i>4</i>	<i>91</i>	
10	<i>БМИнинг кириш ва ҳулоса қисмини ёзиш</i>	<i>24-26. 05.12</i>	<i>4</i>	<i>98</i>	
9	<i>БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.</i>	<i>26.05.12</i>	<i>1</i>	<i>100</i>	

Битирув иши раҳбари
Топширикни бажаришга олдим
Топширик берилган вақти.

А.Муқомов
Х.Эргашев
“02” 04 .2012 й.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети
5620700 - “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавр таълим йўналиши
Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кафедра мудири
М.Ж.Тўлаганов
“ _ ” _ 2012 йил

“Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги “Зарафшон” массиви худудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун ер ажратиш лойиҳаси”
мавзусида бажариладиган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ **ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи

Х.Н. Эргашев

Раҳбар

А.М.Муқумов

Тошкент- 2012

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида Республикамизда ноқишлоқ ердан фойдаланишларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари
2. Ноқишлоқ ердан фойдаланишларни ташкил қилишда ер тузишнинг роли
3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

1-боб. Массивининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи

- 1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар.
- 1.2. Табиий шароитлари (иклими, рельефи, тупроқлари).
- 1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.
- 1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.
- 1.5. Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ердан фойдаланиш тавсифи.
- 1.6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

2- боб. Массив ҳудудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш лойиҳаси

- 2.1. Массив ҳудудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ажратиладиган ер майдонининг тахминий ўрни ва майдонини аниқлаш.
- 2.2. Массив ҳудудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш.
- 2.3. Массив ҳудудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш .
- 2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

3-боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш

- 3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш.
- 3.2. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш.
- 3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.
- 3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Иловалар

Кириш

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

“Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир”⁶.

Республикамизда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларинини бартараф этиш бўйича 2009 - 2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури 2012-йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган бешта тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга ўзини оқлаб, тўғри ва аниқ эканлигини исботланмоқда.

Иқтисодиётнинг мафкўрадан ҳоли бўлиши, иқтисодиётни сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиш, қонун устиворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма босқич амалга ошириш тамойиллари дунёда авж олиб бораётган иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблигини кўрсатди.

* И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида

Энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, аграсаноат мажмуасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга, охир оқибатда қишлоқ аҳолисининг, ижтимоий сиёсий ва маданий савиясини, онгли ва фуқоролик маъсулиятини оширишга қаратилган давлат дастурини 2012 йилда амалга ошириш муҳим вазифадир.

2012 йилда халқ хўжалиги соҳаларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни амалга ошириш учун Республикамизда халқ хўжалигининг турли йўналишдаги тармоқлари ташкил қилинмоқда ва улар учун ер майдонлари ажратилмоқда.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Битирув малакавий иши мазмунидан келиб чиқиб унда ер тузишнинг хўжаликлараро ҳили қўлланилади.

Хўжаликлараро ер тузишга ер тузиш масалаларининг айрим қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари ҳудудларидан ташқарида ечиладиган қисми киради. Хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ёки улар тизимлари ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларига тааллуқли масалалар унинг ваколатидир. Ер тузишнинг бу тури ёрдамида ерлар халқ хўжалиги тармоқлари, ер фонди тоифалари, жисмоний шахслар ва фуқаролар орасида тақсимланади ва қайта тақсимланади; ишлаб чиқаришни юритиш, унинг фаолият кўрсатиши, корхоналарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун бошланғич ҳудудий асос яратилади; ер қонунчилиги, экология талабларининг бажарилиши, махсус ҳудудий тартибга риоя қилиш таъминланади; ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг (ер

участкаларининг) аниқ ҳудудлари ва уларнинг ҳудуддаги чегаралари белгиланади, техника воситалари ёрдамида майдонлари аниқланади.

Янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни ёки маълум ҳудудий мақомга эга бўлган участкаларни ташкил этиш, уларга зарур яхшилашлар ва ўзгаришлар киритиш, хўжаликлараро ер тузишга тааллуқли бошқа ишларни бажариш, ерлардан фойдаланишнинг мавжуд ташкил этилишида жиддий ўзгаришларга олиб келади, шунинг учун бундай ечимлар илмий асосланган ва чуқур ўйланган бўлишлари керак. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар чегараларини жойларда мустахкамлаш ва ҳуқуқий расмийлаштириш хўжаликлараро ер тузиш лойиқаси асосида амалга оширилади. Лойиҳа лойиҳавий тавсияларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини, самарадорлигини ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи техник-иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлар ва ҳисоб-китоблар тизими билан асосланади. Экология талаблари ҳисобга олинади.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Битирув малакавий ишининг мақсади Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Зарафшон» массивидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари учун ер ажратишдан иборатдир. Ишда қўйилган мақсадга эришиш учун массивнинг мавжуд фермер хўжаликлари, табиий ва иқтисодий шароитлари ўрганиб чиқилади ва унинг ҳудудидан ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқиб ер майдонлари ажратилади ва асосланади.

Бунда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратиладиган ернинг майдон ўлчами, шакли ва табиий шароити қўйилган мақсадларга мос тушсин;
- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун массив тўғрисидаги қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади:

1. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини тавсифловчи умумий маълумотлар;
2. Массив ҳудудида ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг амалда жойлашуви тархи;
3. контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. ер ажратиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар.

I БОБ. МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

“Зарафшон” массиви Нарпай туманининг шарқий қисмида жойлашган. Массив шимолдан “Ўрмон хўжалиги” ва Каттакўрғон тумани ерлари билан, шарқдан Бобур номли массив ерлари билан, жанубий-шарқий “Ўрмон хўжалиги” ерлари билан, жанубдан “Нарпай” массиви ерлари билан ва ғарбдан “Ғалаба” массив ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 2821,7 гектарни ташкил қилади. Худуднинг шакли буйича ихчамлилик коэффиценти 1,4 га тенг.

Массив ҳудудида фаолият курсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши деҳқончилик (пахтачилик ва ғаллачилик) бўлсада шу билан бир каторда ёрдамчи тармоқ сифатида боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик билан ҳам шуғулланилади. Қишлоқ хўжалик ерлари таркибида ҳайдалма ерлар (84,4%) энг юқори ҳажмни эгаллайди. Массив ҳудуди 2011 йил маълумотларига кўра 36 та фермер хўжаликларига бириктириб берилган. Массив ҳудуди вилоят маркази Самарқанд шаҳри ва туман маркази Оқтош шаҳри, ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар билан боғланган. Массив маркази Чулак кишлоғидан туман марказигача бўлган масофа 15 километрни, вилоят марказигача 75 километрни ташкил этади.

1.2. Табiiй шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими. Иқлим шароитлари бўйича массив жойлашган ҳудуд ярим - чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишнинг юқорилиги билан ажралиб туради.

Январда ўртача ойлик ҳарорат -1.2 градусни ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -28 градус. Совуқ бўлмаган вақт 245 кундан иборат.

Ёз ойларининг тавсифи қуйидагича: июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 27 градусга тенг булиб, энг иссиқ ҳарорат 45 градусни ташкил этади. Йил

бўйича кучли шамол эсадиган (секундига 15 метрдан ортиқ) кунлар сони 9 кунни ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 312 мм ни ташкил қилади. Иқлимнинг метеостанция маълумотлари бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари 1-жадвалда келтирилган

Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликдан иборат бўлиб, шимолий-ғарбдан жанубий-шарқга қараб кучсиз тўлқинсимон қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг маданий кўринишини олган. Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган, тоғ олди ярим чўл зонасидаги текисликдан иборат, рельефи бўйича текислик ва кам нишабли паст-баландликдир. Механик таркиби бўйича ўртача ва енгил кумоқлардан иборат, кам шўрланган.

Ер ости сувлари. Массив худудида каналлар, суғориш тармоқлари ва зовурлар бор. Тупроқ текшириш ишлари олиб борилганда сизот сувларининг чуқурлиги 1.5-2.0 метрни ташкил этган. Йил мобайнида сизот сувларининг чуқурлиги ўзгариб туради. Сизот сувлари юқорига кўтариладиган вақт - бу вегетацион суғориш давридир, яъни баҳор - ёз ойларида. Сизот сувларини асосан суғориш тармоқлари орқали филтрланган сувлар ва юқорироқда жойлашган тоғ олдиларининг ер ости сувлари тўлдириб туради. Хўжаликда сизот сувларининг сатҳи зовурлар орқали пасайтириб турилади.

Тупроқлари. Массив тупроқлари тоғ олди ярим чўл зонаси Марказий Осиё провинцияси типик бўз тупроқлар пояси аллювиаль-проллювиаль ётқизикли сўғориладиган бўз тупроқлардан иборат. Тупроқларнинг механик таркиби, шўрланганлик даражаси, ер ости сувларининг жойлашув чуқурлиги ва бошқа тавсифи қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

1.3 Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари тўғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд метеостанциясининг иқлим бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари

	<i>I</i>	<i>II</i>	<i>III</i>	<i>IV</i>	<i>V</i>	<i>VI</i>	<i>VII</i>	<i>VIII</i>	<i>IX</i>	<i>X</i>	<i>XI</i>	<i>XII</i>	<i>Йил</i>
Ҳарорат:													
Ўртача	-1.2	1.3	7.1	14.1	19.9	24.4	27	25.2	20.2	13.1	7	2.5	13.4
Юқори	22	27	30	34	38	41	45	41	38	34	30	22	45
Паст	-28	-23	-21	-8	1	4	9	6	-1	-12	-22	-26	-28
Шамолнинг ўртача тезлиги, м/с	1.4	1.4	1.8	1.7	1.5	1.3	1.2	1.3	1.4	1.4	1.3	1.4	1.4
Ёгингарчилик миқдори, мм	41	34	59	55	32	7	3	0	1	15	30	35	312
Шамолнинг кайтарилиши:													
Ш	5	4	4	4	6	8	8	8	8	5	5	3	6
ШШҚ	7	6	7	9	13	16	20	17	14	10	8	7	11
ШҚ	19	21	19	18	19	19	23	22	18	14	19	20	19
ЖШҚ	36	33	31	32	30	33	33	35	37	38	37	35	34
Ж	7	6	6	7	6	7	6	7	7	7	6	7	6
ЖҒ	10	12	12	11	9	5	3	3	3	9	8	12	8
Ғ	10	12	14	11	7	5	2	3	5	7	10	10	8
ШҒ	6	6	7	8	10	7	5	5	8	10	7	6	8

Тупроқлар экспликацияси

Тупроқ номи	Тупроқ айирмаларининг тартиб раҳами	Ўзлаштириш даври ва маданийлашганлик даражаси	Шўрланиш даражаси	Механик таркиби		Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги,м	Бонитет балли
				0-30 см	100-200 см		
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>
Аллювиал-прелювиал ётқизиклардан ташкил топган Зарафшон дарёсининг III-соҳил усти трассаси. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар	1	Эскидан суғориладиган, ўртача маданийлашган	шўрланмган	Ўрта қумоқли	Ўрта қумоқли	2.0-2.5	77
	2	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	шўрланмган	Ўрта қумоқли	Оғир қумоқли	1.5-2.0	60
	3	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	шўрланмган	Ўрта қумоқли	Енгил қумоқли	1.5-2.0	60
	4	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта қумоқли	Енгил қумоқли	1.2-1.8	57
Суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлар Суғориладиган	5	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта қумоқли	Ўрта қумоқли	2.0-2.5	54

бўз ўтлоқи туپроқлар	6	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Ўртача шўрланган	Ўрта қумоқли	Ўрта қумоқли	1.5-2.0	51
Суғориладиган ўтлоқи-бўз туپроқлар	7	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Пастки қисми кам шўрланган	Ўрта қумоқли	Оғир қумоқли	1.5-2.0	72
	8	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	шўрланмган	Ўрта қумоқли	Оғир қумоқли	1.2-1.8	68
	9	Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта қумоқли	Ўрта қумоқли	2.0-2.5	72
	10	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта қумоқли	Оғирва ўрта қумоқли	1.5-2.0	45
Аллювиал ётқизиклардан ташқил топган Зарафшон дарёсининг II-соҳил усти трассаси. Суғориладиган ўтлоқи-бўз туپроқлар	11	Эскидан суғориладиган ўртача маданийлашган	шўрланмган	Оғир қумоқли	Ўрта қумоқли	1.5-2.0	68
	12	Эскидан суғориладиган ўртача маданийлашган	Кам шўрланган	Оғир қумоқли	Ўрта қумоқли	1.2-1.8	65
	13	Янгидан суғориладиган ўртача маданийлашган	Кам шўрланган	Ўрта қумоқли	Ўрта қумоқли	2.0-2.5	63

	14	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Ўрта кумоқли	Оғир кумоқли	1.5-2.0	43
Аллювиал ёткизиқлардан ташқил топган Зарафшон дарёсининг I-соҳил усти трассаси.	15	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Оғир кумоқли	Енгил кумоқли	1.5-2.0	36
	16	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўртача шурланган	Енгил кумоқли	Қумли	1.2-1.8	38
	17	Бўз ва қурук ерлар				2.0-2.5	
	18	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайди ан ерлар (жарликлар мозорлар ва ҳ.к)				1.5-2.0	

Массив бўйича ўртача ҳисобланган балл 61 балл

“Зарафшон” массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган. Асосий суғориш тармоғи Зарафшон дарёси ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 98,8 га ни ташкил этади. Хўжаликдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу ариқлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан кам таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортикча, кўп микдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудида бетон ариқлар ҳам жойлаштирилган бўлиб бу йиллар ўтиши билан таъмирланмаган шу сабабли суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,68 – 0,72 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 25 – 30 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп микдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғич – мелиоратив тармоқлар, яъни зовурлардир. Уларнинг умумий узунлиги 123,5 кмни ташкил этади.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массив ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларида яшайдиган аҳолининг умумий сони 11180 кишини ташкил қилади. Аҳоли асосан унта қишлоқларда истиқомат қилади. Хўжаликда 1 та марказий ва 9 та ёрдамчи қишлоқлар мавжуд. Мавжуд қишлоқлар бир – бирлари билан яхши йўл алоқаси орқали боғланган. Қишлоқлардаги яшовчи оилалар ва аҳоли сони, уларнинг томорқа ер майдони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Массивдаги аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қишлоқлар номи	Оилалар сони	Аҳоли сони		Мавжуд маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаштирилганлик даражаси	Бажарадиган вазифаси
		Ҳаммаси	Меҳнатга яроқли			
Чулак	660	3300	1320	Дўкон, маҳалла гузари	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан	Марказий қишлоқ

					таъминланган	
Чордара	313	1565	628	Мактаб, боғча, магазин	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Манғит	432	2160	865	Мактаб. дўкон	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Ағай	85	425	171	Дўкон, махалла гузари	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Джин	255	1275	510	Мактаб, боғча, магазин	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Чордара	106	530	212	Мактаб. дўкон	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Джун	137	685	275	Дўкон, махалла гузари	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Косагарон	154	770	308	Мактаб, боғча, магазин	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Чумичли	94	470	189	Мактаб. дўкон	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	Ёрдамчи қишлоқ
Жами	2236	11180	4472			

I.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2011 йил 1 январь ҳолатига нисбатан “Зарафшон” массивига 2821,7 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Хўжалик ер

фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар куйидаги 4- жадвалда келтирилган.

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки массив ҳудудидаги умумий ер майдонининг 52,9 % ини ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 132,5 га, бу эса умумий майдоннинг 4,7 % ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалик ерлари 1769,3 гектар бўлиб умумий ер майдонининг 62,7 % ни ташкил қилади.

Нарпай тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотларига кўра 2011 йили массив ҳудудида 36 та турли ишлаб чиқариш йўналишидаги фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади ва уларга бириктирилган ерлар майдони 2276.7 гектарни ташкил этади. Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 63.2 гектарни ташкил этади.

4-жадвал

Массивга бириктирилган ер фонди
(2011 йил 1 январ ҳолати бўйича)

Т/р	Ер турлари	Шу жумладан		
		Умумий майдони,га	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1	Ҳайдалма ерлар:	1493,8	52,9	84,4
2	Кўп йиллик дарахтзорлар, жами: Ш. Ж.:Боғлар узумзорлар Тутзорлар	132,5 83,4 3,6 45,5	4,7	7,5
3	Ўтлоқ ва яйловлар	143,0	5,1	8,1
	Жами қишлоқ хўжалик ер турлари	1769,3	62,7	100
4	Томорқа ерлари	357,4	12,7	
5	Ихота дарахтлари ва терахзор	19,1	0,7	
6	Ариқ, каналлар ва зовурлар	98,8	3,5	
7	Йўллар	52,6	1,9	

8	Курилишлар, кўчалар, саройлар ва майдонлар	12,9	0,5	
9	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	511,1	18,0	
	Хўжаликка бириктирилган ерлар, жами	2821,7	100	

1.5. Дехқончилик тавсифи

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг 2011 йил маълумотлари бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, боғдорчилик, пиллачилик йўналишлари ҳам мавжуд. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари тавсифи қуйидаги 5- жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Фермер хўжаликларида экилган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

Т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1	Пахта	806,7	54
2	Буғдой	448,1	30
3	Сабзавот	149,4	10
4	Ем-хашак экинлари	89,6	6
	Жами	1493,8	100.0

Юқоридаги 5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳайдалма ерларда пахта экини билан банд майдон 806,7 га бўлиб, умумий экин майдонларининг 54 % ни, донли экинлар билан банд бўлган майдон эса 448,1 гектарни ёки 30 % ни ташкил этади. Ишлаб чиқариш натижаларини таҳлил қилишда экин майдонларининг ўлчами билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги 6-жадвалда экин майдонларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Майдони, га	Ҳосилдор- лик, ц/га	Ялпи маҳсулот ҳажми, т
1	Пахта	806,7	28	2258,8
2	Буғдой	448,1	45	2016,5
3	Сабзавот	149,4	180	2689,2
4	Маккажўхори дон учун	51,4	45	231,3
	Беда	38,2	110	420,2
Жами экин майдони		1493,8		

Аҳоли яшаш жойларида 2011 йил 1 январ ҳолатига 4472 меҳнатга яроқли киши мавжуд бўлиб, шундан 1264 киши тўғридан-тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида қатнашган. 952 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда жами қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар майдони 1769,3 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,40 га фойдаланиладиган ва 0,33 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади. Массив ҳудудида деҳқончилик ишлаб чиқариш фаолияти билан фермер хўжаликларидан ташқари боғдорчилик, узумчилик ва пиллачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ҳам мавжуд бўлиб уларга жами 132,5 га. шу жумладан 83,4 га боғ, 3,6 га узумзор ва 45,5 га тутзорлар бириктирилган. Массивда кўп йиллик мевали дарахтзорларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори бўйича маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

Кўп йиллик мевали дарахтзорлар майдони, ҳосилдорлиги ва ялпи
маҳсулоти

Т/р	Кўп йиллик мевали дарахтзорлар турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1	Боғ	83,4	120	1001
2	Узумзор	3,6	140	50,4
3	Тутзор	45,5	80	364
Жами		132,5		

7-жадвалдаги маълумотларга кўра, боғлар ва узумзорлардан олинаётган ҳосил миқдори бугунги кун талабларидан анча паст.

1.7. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун хизмат қиладиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал
Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

Т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Миқдори, тонна	Ўлчов бирлиги ҳарид нарҳи, мингсўм	Умумий қиймати, минг сўм	Шу жумладан давлатга сотилган маҳсулотлар қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1	пахта	2258,8	600	1355280	1355280
2	буғдой	2016,5	200	403300	241980
3	сабзовот	2689,2	500	1344600	
4	мева	1001	500	500500	
5	узум	50,4	500	25200	
6	Маккажўхори дони	231,3	400	92520	
7	пичан	420,2	100	42020	
8	пилла	18,2	5000	91000	91000
Жами		8685,6	7800	3854420	1688260

Массивда фаолият кўрсатган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида ўртача ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидагича қийматларга эга бўлади (9-жадвал).

Массив худудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг
ўртача асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	3854420
	Шу жумладан: Дехқончилик	Минг сўм	3763420
	Чорвачилик	Минг сўм	91000
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	2890815
	Соф даромад	Минг сўм	963605
	Рентабеллик	%	25,0

9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2011 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати 3854420 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 2890815 минг сўмни , соф даромад 963605 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 25,0 % ни ташкил этган.

тарх

II БОБ. МАССИВ ХУДУДИДАН ГАЗ ҚУЙИШ ШАХОБЧАСИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИШ УЧУН ЕР АЖРАТИШ ЛОЙИХАСИ

2.1. Массив худудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ажратиладиган ер майдонининг тахминий ўрни ва майдонини аниклаш

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш хўжаликлараро ер тузишнинг иккинчи турига киради, мазмунида ва усулларида ўз хусусиятларига эга.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, автомобил ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, мудофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак. Мўлжалланган мақсадлари ҳар хил ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда, одатда, ерларни тоифалар ва халқ хўжалиги тармоқлари орасида қайта тақсимлаш, айрим вазиятларда эса маҳсулдор ерларнинг сарфланиши кузатилади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар киради. Уларга ер майдонлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши) қилиши ёки

қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Натижасида ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ер участкаси ажратиладиган ва бериладиган хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси маълум тартибда ва қуйидагича кетма-кетликда ишланади.

Биринчи босқичда ноқишлоқ корхонасининг жойлашадиган ўрнини ва тахминий майдонини олдиндан келишиб олиш. Ер олмоқчи бўлаётган корхона ёки ташкилот лойиҳа ишлангунча белгиланган мақсад учун ер майдони ажратишни сўраб, унинг жойлашадиган ўрни ва тахминий майдони кўрсатилган ариза билан вилоят ҳокимиятига мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бошқа ер соҳасига оид қонун ҳужжатларига кўра хўжаликлараро ер тузиш ўтказиш учун асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий давлат ҳокимият органининг корхонанинг ўрнини аниқлаш тўғрисидаги қарорлари хизмат қилади.

Ер тузиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари шу қарор чиққандан кейин бошланади. Лойиҳалаш ишлари «Ўздаверлойиҳа» институти ва унинг бўлимлари томонидан амалга оширилади. Зарурат туғилганда лойиҳа-қидирув ишларига бошқа муассасалар ҳам жалб қилиниши мумкин. Бунда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, архитектура - қурилиш, соғлиқни сақлаш, табиётни муҳофаза қилиш, ёнғин назорати органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамда ерлари қамраб олинadиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар вакиллари қатнашиши талаб этилади.

Шу босқичда тайёргарлик ишлари, ер ажратиш лойиҳасини тузиш, уни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ишлари бажарилади. Лойиҳа ҳамма манфаатдор ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан кўриб чиқилади ва уларнинг розилиги олинади.

Тайёргарлик ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

-ер участкасини бериш тўғрисидаги илтимоснома, унинг асосланганлиги, унга иловалар ўрганилади;

лойиха камраб оладиган (масштаби 1:10000) худудга план-харита материалларини йиғиш ва тайёрлаш;

-объект жойлашадиган туманда ерларнинг аҳволини ва қийматини тавсифловчи бошқа материалларни ва баҳолаш, ер ҳисоби маълумотларини йиғиш;

-мазкур корхонага олдин берилган ерлар тўғрисидаги материалларни йиғиш ва улар томонидан қонунда кўзда тутилган талабларнинг бажарилишини ўрганиш.

Олинган маълумотлар асосида ноқилиқ хўжалик объектининг ердан фойдаланишини ташкил этиш лойиҳаси ишланади. Унинг барча таркибий қисмларини тўла ва тўғри ишлаш шу босқичда амалга оширилиши керак, сабаби, кейинчалик ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас ёки катта харажатлар билан боғлиқ бўлади.

Ҳокимиятнинг ваколатли органи лойиҳани тасдиқлайди ва объектнинг жойлашадиган ўрни тўғрисида қарор қабул қилади. Бу жойлаштирилаётган объектнинг ўзи бўйича лойиҳа қидирув ишларини бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ташкил этилаётган ердан фойдаланишнинг майдонини белгилаш учун объектнинг жойлашиши чизмаси (ечимлар бўйича) ва бош плани чизмаси (лойиҳаси) керак бўлади. Участка майдонини ҳисоблашда ҳар хил усуллардан фойдаланилиши мумкин. Улардан биринчиси ҳар хил мақсадлар учун ерларни ажратиш меъёрларидан фойдаланишга асосланади.

“EVRO TASHINVEST” компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ва ер ажратиш меъёрларида ҳар хил ерларда ва рельефнинг ҳар хил шароитларида жойлаштириладиган ҳар хил тоифалардаги йўллар учун ажратиладиган ер полосалари кенгликлари кўрсатилган. Бундай объектнинг умумий майдони энг аввало “EVRO TASHINVEST” компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ажратиладиган майдон ўлчамига боғлиқ бўлади. Юқорида келтирилган

талаблар асосида массив худудида икки ечимда ер участкалари танланди ва уларнинг майдонлари аниқланди.

Ечимлар бўйича ажратиладиган ер участкалари майдони ҳисоби куйидаги 10 -жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Ечимлар бўйича ажратилаётган ер майдонлари

Т/р	Контур рақами	Ер тури номи	Майдони, га
1	519	<u>I-Ечим</u> Яйлов	2,3
1	441 қ.	<u>II-Ечим</u> Хайдалма ер	1,7

10-жадвал маълумотларига кўра I-ечим бўйича жами 2,3 га қишлоқ хўжалиги ер тури, яъни яйлов билан банд бўлган майдонни, II-ечим бўйича эса жами 1,7 га, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер тури ҳайдалма ердан 1,7 га ажратиш кўзда тутилади.

2.2. Массив худудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш.

Лойиҳа тасдиқлангандан ва қурилиш учун маблағ ажратилгандан кейин қурилиш ташкилотлари ер ажратишни сўрайди. Сўровномага керакли ҳужжатлар билан бир қаторда биринчи ва иккинчи босқичлар орасида ишланган ерни рекультивация қилиш, унумдор қатламни ажратиб олиш, сақлаш ва кейинчалик фойдаланиш бўйича ишчи лойиҳалари, аҳолини кўчириш тўғрисидаги маълумотлар, туман хокимиятининг ерни фойдаланишга бериш шартлари ва бошқалар тиркалади.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимини жалб этиб, зарур материалларни тайёрлайди ва ер участкасини олиш ва сўралган мақсад учун бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда ажратиладиган ер

участкасининг майдони, ер участкасини бериш шартлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Ер тузиш лойиҳасининг бу босқичида ишланган лойиҳага аниқлик киритилиши мумкин. Бундай тузатишлар кўшимча тарзда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишилади.

Энг яхши ечимни топиш мақсадида, манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар учун тўғри келадиган, жойлаштиришнинг бир неча ечимлари (вариантлари) кўриб чиқилади.

Қимматбаҳо қишлоқ хўжалик ва ўрмон ерларини, ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини сақлаш, ерларнинг аҳволи ва сифати ёмонлашишининг олдини олиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини биринчи навбатда захира ерларида, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа ерларда, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ёки унумдорлиги паст ерларда, ҳамда ўрмон билан қопланмаган, арзонбаҳо дарахтлар ва буталар билан қопланган ўрмон фонди ерларида жойлаштириш;

мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни, айниқса қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларини ва улар ҳудудларининг ички ташкил этилишини бузмаслик ёки ушбу ва атрофдаги ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулдорлигининг пасайишига бевосита ва билвосита олиб келадиган ўзгаришларни энг кам киритиш;

эрозия, батқоқлашиш, сизот сувлари кўтарилиши жараёнларига, ерлар бузилиши ва ифлосланишининг бошқа турларига йўл қўймаслик бўйича чораларни кўриш;

қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолияти шароитларининг ёмонлашишига олиб келадиган, уларга зарарлар ва харажатлар келтирадиган салбий оқибатларга йўл қўймаслик.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларининг ва бошқа объектларнинг лойиҳаланган участкалари чегаралари 1:10000 масштабдаги лойиҳа планига туширилади. Бу чегаралардаги ер участкалари майдони

ҳисобланган майдонга тенг бўлиши ва ундан ошмаслиги керак. Агар ташкил этилаётган ер эгалиги катта майдонга ёки узунликка эга бўлса ва бир неча қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини қамраб олса, 1:25000 ёки майдароқ масштабдаги умумий план тайёрланади.

Ердан фойдаланиш ва унинг айрим қисмларини жойлаштириш ечимлари ҳамда унинг чегараларини кейинчалик аниқлаш табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатларга, ҳаракатдаги санитария-гигиена, архитектура-лойиҳалаш ва бошқа аниқ объектларни жойлаштириш ва қуриш бўйича меъёрлар, қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиб ишланади.

Энг яхши ечим сифатида қишлоқ хўжалик ерларини кам сарфлайдиган ва муҳофаза қиладиган, мавжуд хўжаликлар ерларидаги ўзгаришлар минимал бўлган ва ташкил этилаётган корхона фаолиятига зарур ҳамма шарт шароитларни яратадиган ечим қабул қилинади.

Массивда юқорида келтирилган талаблар асосида қуйидаги ечимлар бўйича ер участкаларини жойлаштириш кўзда тутилади:

I-Ечим бўйича:

Массив ҳудудидан **“EVRO TASHINVEST”** компаниясига газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун қулай жойлашувга ва автомобилларга ёқилғи қуйишга ўнғай бўлиши кераклигини ҳисобга олиб массивнинг жанубий-шарқий қисмида хўжаликка кириб келувчи Тошкент-Нукус магистрал йўлининг массивдан чиқиб кетиш нуқтаси чегарасида жойлашган 519 – контурдан керакли ўлчамдаги майдон танланди ва жойлаштирилди.

II- Ечим бўйича:

Массив ҳудудидан **“EVRO TASHINVEST”** компаниясига газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун қулай жойлашувга ва автомобилларга ёқилғи қуйишга ўнғай бўлиши кераклигини

хисобга олиб Чулак қишлоғи билан Чумичли 2 қишлоғини боғловчи автомобил йўлининг Чулак ва Чумичли қишлоқлар оралиғидаги 441 - контурдан керакли ўлчамдаги майдон танланди ва жойлаштирилди.

2.3. Массив ҳудудидан газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш.

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа ерга оид бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатларига биноан бажарилади.

Ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин жойларда унинг чегаралари белгиланади, ердан фойдаланувчига ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси (акти) берилади. Фақат шундан кейингина участкадан фойдаланишга киришишга рухсат этилади.

Ноқишлоқ хўжалик корхонасига қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ер участкасига талабгорнинг илтимосномаси ;
2. Фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси ;
3. Талабгорнинг ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман ҳоқимига илтимосномаси ;
4. Ер участкасини жойида танлаш далолатномаси ;
5. Туман ҳокимининг ер ажратиш бўйича қарори ;
6. Ер участкаси плани ;
7. Санитария – эпидимология хизмати хулосаси ;
8. Вилоят ҳокимининг қарори ;
9. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг хулосаси ;

1-ечим

2-ечим

**МАССИВ ХУДУДИДАН ГАЗ ҚУЙИШ ШАХОБЧАСИ ВА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИШ УЧУН ЕР АЖРАТИШ
ХУЖЖАТЛАРИ**

Нарпай тумани
хокими С. Раззоқовга
“EVRO TASHINVEST”
компаниясининг
раҳбари Д.А. Муминовдан

ИЛТИМОСНОМА

Туман аҳолиси, ташкилот, кохона ва муассасаларда мавжуд автомобилларни доимий равишда газ ёқилғиси билан таъминлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида 2012 йилда янги газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш режалаштирилган. Режада белгиланган ишларни амалга ошириш учун “Зарафшон” массиви ҳудудидаги “Бобомурод деҳқон” фермер хўжалиги ҳудудидан ер ажратиш тўғрисида қарор чиқаришингизни сўрайман.

**“EVRO TASHINVEST” компанияси
раҳбари**

Д.А. Муминов

25.11.2010 й.

Нарпай туманидаги “Бобомурод деҳқон” фермер хўжалиги
аъзоларининг умумий мажлиси
№16 - БАЁННОМАСИ

28.11.2010 й.

“Косогрон” қишлоғи

Йиғилиши раиси: Ш Тошев

Йиғилиш котиби: Б.Тоиров

Қатнашдилар: Қ.Ф.Й. раиси А.Бақоев ва

хўжалик аъзоларидан 7 киши

Кун тартибидаги масала

1. “Зарафшон” массиви ҳудудида жойлашган “Бобомурод деҳқон” фермер хўжалиги ҳудудидан “EVRO TASHINVEST” компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш учун шахобча ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер ажратиш.

Сўзга чиқди. Кун тартибидаги масала юзасидан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Бақоев сўзга чиқиб, ташкилот, кохона ва муассасаларда мавжуд автомобилларни доимий равишда газ ёқилғиси билан таъминлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида 2012 йилда янги газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш режалаштирилганлиги тўғрисида маълумот берди. Режада белгиланган ишларни амалга ошириш учун “Феруза Беганова” фермер хўжалиги ҳудудидан ер ажратишга розилик беришни таклиф қилди.

Юқоридаги масалани йиғилиш қатнашчилари қўйилган масалани муҳокама қилиб

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Фермер хўжалиги еридан Нарпай туманидаги “EVRO TASHINVEST” компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер ажратишга розилик берилсин.
2. Ушбу қарор тасдиғини Нарпай тумани ҳоқимидан сўралсин.

Раис

Ш. Тошев

Котиб

Б. Тоиров

Нарпай тумани ҳокимининг 2011 йил 19 ноябрдаги 33-ф рақамли фармойиши
асосида тузилган ер танлаш комиссиясининг
ДАЛОЛАТНОМАСИ.

2.12.2007 й

Ушбу далолатнома “EVRO TASHINVEST” раҳбарининг туман
ҳокими номига ёзган 2011 йил 25 ноябрдаги хатига асосан тузилди.

Қуйидаги тузилган комиссия аъзолари

Комиссия раиси:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Ш.Ҳамидов

Комиссия аъзолари:

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи	Эргашев Х.
Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати бошлиғи	Ашуров Т.
Туман ИИБ ёнғинга қарши кураш бўлинмас бошлиғи	Солиев Н.
Туман сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бошлиғи	Гадаев Ф.
Туман бош меъмори	Ҳамдамов А.
Туман табиатни муҳофаза қилиш инспексияси бошлиғи	Соҳибов М.
Туман электр корхонаси бошлиғи	Обруев Ғ.
“Нарпайгаз” идораси бошлиғи	Ботиров Н.
Туман ДСЭН бош шифокори	Мавланов А.
Нарпай йўл қўрилиш-тамирлаш ижара корхонаси бошлиғи	Норбоев Ғ.
“Самтеликом” туман электр алоқа тармоғи бошлиғи	Қурбонов Х.
Зирабулоқ магистрал газ қувирлари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи	Набиуллин А.
Самарқанд вилояти ИИБ ДАН бошлиғи	Ш.Умаров
Самарқанд автомагистрал бирлашмаси директори	Эрматов Д
“EVRO TASHINVEST” компанияси директори	Мўминов Д.А

Шу кунги комиссия аъзолари жойига “Бобомурод дехкон” фермер
хўжалиги ҳудудига чиқиб, ер ҳолатлари ички қурилишлар билан танишиб,
тегишли қурилиш меъёрий қоидаларга асосланган ҳолда ушбу ҳудудда янги

автомобилларга газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсати объектлари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш масаласини кўриб чиқиш учун йиғилдилар.

Янги газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсати объектлари қурилиши учун “Бобомурод дехқон” фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик харитаси бўйича № 519 контурларидан 2,3 гектар яйлов билан банд бўлган ер майдони танланди.

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олиб комиссия аъзолари, “Бобомурод дехқон” фермер хўжалиги еридан “EVRO TASHINVEST” компаниясига газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсати объектлари қурилиши учун 2,3 га ер майдони танлаш ва ажратишни маъқул деб топдилар ва ушбу далолатнома тасдиғини Нарпай тумани ҳокимидан сўрайдилар.

Имзо чекувчилар:

Эргашев Х.
Ашуров Т.
Солиев Н.
Гадаев Ф.
Ҳамдамов А.
Соҳибов М.
Обруев Ғ.
Ботиров Н.
Мавланов А.
Норбоев Ғ.
Қурбонов Х.
Набиуллин А.
Ш.Умаров
Эрматов Д
Мўминов Д.А



Q A R O R I

Тумандаги “Зарафшон” массиви
“Косогорон” қишлоқ фуқаролар йиғини
ҳудудидан “EVRO TASHINVEST”
компаниясига автомобилларга АГНКС ва
АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат
кўрсатиш объектлари қуриш учун 2,3 га ер
ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекиси”нинг 6-моддасига асосан Нарпай тумани ҳокимининг 2011 йил 19 ноябрдаги 33-рақамли фармойиши асосида тузилган ер танлаш комиссиясининг 2011 йил 28 декабрдаги далолатномасини, Нарпай туман ҳокимининг 2011 йил 28 декабрдаги № 647-К қарорини, 2011 йил 26 майдаги халқаро ва Республика ахамиятидаги автомобил йўлларда йўл сервис объектларини жойлаштириш ва ер ажратиш ишларини куриб чиқиш Республика комиссиясининг баённомасини, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2011 йил 7 февралдаги №21-К қарорини ҳамда “EVRO TASHINVEST” компаниясининг 2011 йил 7 апрелдаги 07/04-02-рақамли хатини куриб чиқиб.

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ер танлаш комиссиясининг 2011 йил 2 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин
2. Нарпай туман ҳокимлиги захира ер фондидан “Косогорон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан “EVRO TASHINVEST” компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун, лойиҳа ишлари тайёрланганлиги муносабати билан жами 2,3 га, шу жумладан 2,3 га яйлов майдони ажратилсин.
3. Автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектларига ажратилаётган ер 45 бонитет балли 2,3 га яйлов ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ҳажми жами 315600 (уч юз ун беш минг олти юз) сўм миқдорида тасдиқлансин.
4. Ушбу қарор тасдиғи Самарқанд вилояти ҳокимидан сўралсин.

Ҳоким:

С.Раззоқов



Q A R O R I
РЕШЕНИЕ

2011 yil "15" 12

54 -son

Самарканд ш.

**Нарпай туманидаги "EVRO TASHINVEST" компаниясига
автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат
кўрсатиш объектлари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш
тўғрисида**

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги "EVRO TASHINVEST"
компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва
хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш
тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Нарпай туманидаги "EVRO TASHINVEST" компаниясига
автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш
объектлари қурилиши учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги
Нарпай туман ҳокимининг 2011 йил 02 декабрдаги 66-сон қарори
тасдиқлансин.

2. Нарпай туманидаги "EVRO TASHINVEST" компаниясига:

а) ажратилаётган экин ер майдонидаги унумдор қатламини олган
ҳолда шу ҳудуддаги фермер хўжаликларининг кам ҳосилли ерларини
яхшилаш учун солиш;

б) вилоят Архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан архитектура
режалаштириш топшириқлари (АРТ-1,2 қисмлари)ни олиши;

в) вилоят Архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан
иншоотларнинг лойиҳасини рўйхатдан ўтказиш вазифалари топширилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига ушбу қарор асосида вилоят ер фондига тегишли ўзгаришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Нарпай туманидаги “EVRO TASHINVEST” компаниясига автомобилларга АГНКС ва АГСЗ газ қуйиш шахобчаси ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36- моддаси 10-бандига асосан 2 йил мобайнида ажратилган ер майдони ўзлаштирилмаса мазкур қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида Нарпай туманидаги “EVRO TASHINVEST” компанияси огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари (Ф.Олимов) зиммасига юклатилсин.

Ҳоким

З.Мирзаев

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари

“Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” фани фан ва техника ривожланишининг мантикий асосида вужудга келади.

Бизнинг эрамиздан олдин яшаган Пратагор “Инсон ҳамма нарсаларнинг мезонидир” деган шиорни олдинга ташлаган эди. Бу дегани, инсон нафақат ишчи кучи сифатида, балки меҳнат фаолияти жараёнида муҳофаза қилиниши зарур бўлган қийматга эгадир. Инсоний фаоллик турлрининг ҳамма мажмуаси фаолият тушунчаси ҳосил қилади. Айнан фаолият инсонларни бошқа тирик мавжудодлардан ажратади, яъни фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлган фаолликнинг инсоний шаклидир.

Фаолият билан барча шуғулланади болалар, катталар, қариялар. Шунинг учун ҳафсизлик ҳамма тирик инсонлар учун муҳимдир.

Меҳнат муҳоқазасининг ажралиши маълум асосга эга. Чунки, меҳнат фаолиятининг олий формасидир.

Билим соҳада меҳнат муҳоқазасини нисбатан мустақил деб тан олган ҳолда, фаолиятнинг ҳар хил турлари ва инсон яшайдиган соҳаларнинг бири-бирига яқин алоқада бўлишига эътибор бериш керак.

Аниқ иш жойида бажарилаётган меҳнат фаолият натижалари (қаерда меҳнат шароити аъло бўлган ҳолда ҳам) бу иш жойи билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган кўп сонли инсонларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ажралиб чиқаётган зарарли омиллар салбий таъсир қилиши мумкин.

Иш жойларида меҳнат шароити бу жойларни (лойиҳалаш босқичида, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлашда ва ҳ.к.) физик жихатдан барпо қилишдан анча олдин қилинади.

Меҳнат муҳоқазасининг афзалликлари ва уни мутлоқлаштириш баъзан мантиққа мос келмайдиган қонунларни қабул қилишга олиб келади. Масалан, маълумки битта транспорт талофатида жабрланган ҳайдовчи ва йўловчилар

учун белгилангаи бахтсиз ҳодисаларни тешириш низоми бўйича ҳар хил ҳуқуқий ва моддий оқибатлар пайдо бўлади.

Дунёда инсонлар табиий, техник, антропогеник, экологик, қўшилма хавфлар остида яшайди. Бундай турдаги хавфлар бир-бирлари билан биргаликда таъсир қилади ва оқибатларни чуқурлаштиради. Масалан, Арманистон ва Туркиадаги ер қимирлашлари. Венусуеладаги сув тошқини, Европадаги бўрон ва бошқалар.

Бузилишлар, ёнғинлар ва талофатлар сони камаймади. Бунда ишлаб чиқаришдагига қараганда ҳисоблаб бўлмас даражада кўп одамлар ҳалок бўлади.

Ўтган ўн йиллик инсониятга саноқсиз офатларни олиб келди.

Чамаси, якка шахс ва жамият фойдасини кўзлаб, идора ва касбий чегараланишларни бекор қилган ҳолда, хавфсизлик муаммоларини кенг қўйишга интилоқ керак.

Бундай имкониятларни ва усулларини кўриб чиққан ҳолда ҳаёт-фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай фаолиятга қўйилган хавфсизликнинг назарий ва амалий асосларидир. ҲФХ нинг алоҳда аҳамияти мутахассисларга билим беришдир.

Таркибий жиҳатдан ҲФХ фани тўрт қисмдан ташкил топган:

1. Назарий асослари.
2. Табиий жиҳатлари,
3. Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги,
4. Ҳавқулодда вазиятлар.


Фаолият кишилиқ жамиятининг бор бўлиб туриши учун зарур бўлган шароитдир. Меҳнат фаолиятининг один шаклидир.

Файласуфларнинг фикрича, инсонга берилган энг маъқул бўлган таъриф бу Ното асeнс, яъни ҳаракатләнувчи инсон.

Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма-хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бонқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни уз ичига олади.

Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан туғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Меҳнат хавсизлиги бўйича ташкилий ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва жорий қилишни, унинг умумий комплексини бошқариш, меҳнат хавфсизлиги бўйича қоида ва меъёрларга риоя ҳамда назорат қилишни ва меҳнат қонунчилигини махсус хизмат органлари олиб боради. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида меҳнат муҳофазасига ва техника хавфсизлиги гуруҳи иш олиб доради. Туманларда қишлоқ хўжалиги бошқармаларида меҳнат муҳофазасига ва техника хавфсизлигига катта муҳандислар, давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларида техника хавсизлигига катта меҳнат муҳофазаси қонунига асосан давлат корхоналари ва жамоа хўжаликларида штат рўйхати бўйича техника хавсизлиги ва ёнғин хавсизлиги бўйича катта муҳандис лавозими тайинланади. Агар хўжаликда ишчилар сони 50 дан ортиқ бўлса ва улар хизмат кўрсатаётган транспорт воситалари 50 дан ортиқ бўлса, йўл ҳаракати хавсизлиги хизмати ташкил қилинади. Хўжаликларда штат асосида техника хавфсизлиги бўйича муҳандисни ишга олиш мумкин бўлмаса, у ҳолда техника хавфсизлиги ишларини ва улар кўрадиган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси бош мутахасислар нинг бири зиммасига буйруқ билан юклатилади. Меҳнат хавсизлиги бўйича ишлаб чиқариш участкалари ва хўжаликдаги жавобгар шахсларни асосий иш йўналишлари берилган. Қуйдаги чизмадан меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий тўрт йўналиши баён этилган. Ҳар бир йўналишга қандай асосий масалалар киргани қуйида келтирилган:



4-расм. Хўжаликда жавобгар шахсларнинг асосий иш йўналишлари.

1. Ташкилий ишларга: йўл-йўриқлар бериш, ишчиларни махсус кийимлар ва шахсий ҳимоялаш воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш участкаларини ва ёнғиндан хавфли жойларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, меҳнат хавфсизлиги бўйича режа ва тадбирларни ишлаб чиқиш, хавфсизлиги бўйича ишчиларни аттестациядан ўтказиш, участкалар ва хавфли иш турлари жойларида жавобгарликни тақсимланиши, техника хавфсизлиги бўйича хона ва бурчакларни ташкил қилиш, техника хавфсизлиги бўйича ёзув ва огоҳлантирувчи белгиларни осиб қўйиш, хўжаликдаги барча йўлларга йўл ҳаракати белгиларини ўрнатиш, меҳнат шароитларини паспортизация қилиш, бахтсиз ҳодисаларни текшириш, жароҳатланиш ва касалликлар сабабини таҳлил қилишлар киради.

2. Иш шароитларини яхшилашга: хоналарнинг иситилишини яхшилаш,

намликни, ёритилганликни меъёрлаштириш, елвизакларни йўқотиш, хоналардаги зарарли газлар миқдорини камайтириш, чангишни олдини олиш, шовқин ва титрашларни камайтиришлар киради.

3. Техника хавфсизлигини такомиллаштиришга: тўсиқларни яхшилаш, химояловчи воситалар, автоматик сигнализация ва блокировкаларни ўрнатиш, қозонхоналар ва юк кўтарадиган механизмлар синовини ва хужжатлаштиришни вақти-авқтида ўтказиш, электр қурилмаларни ерга улаш ҳолатини вақтида назорат қилиш: асбоб ва ускуналарнинг созлиги ва ҳолатини текшириш, машина ва механизмларнинг ишлашини кузатиш ва шахсий химоя воситалари билан мустаҳкам таъминлаш киради.

4. Меҳнат хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш уч йўналиш бўйича олиб борилади:

а) бошқарма томонидан: давлат энергетика назорати инспекцияси, вилоят ва туманлардаги қишлоқ хўжалиги бошқармаларидаги меҳнат хавфсизлиги бўйича муҳандислар; ёнғин бўйича инспектор ва санитария инспекцияси назорат қилинади;

б) қасаба уюшмаси томонидан: қасаба уюшмасининг меҳнат бўйича техник инспекцияси ва меҳнат хавсизлиги бўйича қасаба уюшмасидаги комиссия назорат қилади;

в) маъмурият томонидан: техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, бош мутахассислар, ишлаб чиқариш участкаси раҳбарлари ва участкаларда меҳнат хавфсизлиги бўйича жамоа инспекторлари назорат қилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаси одатда хўжаликларнинг тиббий ташкилотлари (поликлиникалар, тиббиёт пункти, амбулатория) жойлашган марказий қисмидан анча узоқ жойларда ишлатилади. Шунинг учун механизатор ўзига-ўзи биринчи ёрдам курсатишни билиши керак. Хозирги тракторлар, мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналари ва автомобилларни қорхона маъмурияти дори-дармонлар тўплами бор тиббиёт аптекаси билан таъминлаши зарур. Аптеқада қуйидагилар бўлиши лозим: ичимлик сода — 200 г, валидол — 30 таблетка, борат кислота — 60 г, лейкопластир — (1х15

см) — 5 дона, вазелин — 50 г, резина арқон — 1 дона, шахсий пакет — 10 дона, бинт — 10 дона, новшадил спирти — 20 г, пахта — 100 г, шиналар — комплект, йод эритмаси.

Аптечкадаги тиббий препаратлар қуйидаги мақсадларда ишлатилади: ичимлик сода — кислота қўйдирганда (ишқор ва кислоталар билан ишлашда) кузни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида ичимлик соданинг 2-4 % ли эритмасини тайёрлаш учун; валидол — асаб системасини тинчлантириш ва юрак атрофидаги оғрикни йўқотиш учун; борат кислотаси ишқор таъсирида қўйганда кузни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида 2-4% ли эритмаси тайёрланади. Вазелин — 1 даражали қўйишда, тирналганда, тери яллиғланганда, тери-га суртиш учун; резина боғлам — қон кетишини тўхтатиш учун; шахсий пакетлар, бинтлар, пахта — лат еганда, яраланганда боғлаб қўйиш учун, новшадил спирти — ҳушдан кетганда ҳидлатиш учун; йод настойкаси — яранинг атрофига, теридаги шилинган, тирнал-ган жойларга суртиш учун.

Жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатишнинг умумий қоидалари. Жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

— жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (масалан, жароҳатланувчини газлар, захарлар тулган хонадан олиб чиқиш); электр симини олиш (электр токи урганида; жароҳатланувчининг аҳолини ёмонлаштирадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидаги юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

— жароҳатланувчининг умумий аҳолини аниклаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани йўқотиш (масалан, артериялар кесилганида қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бу-зилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

— агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;

- хушидан кетганда ташлаб кетмаслик;
- биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур;
- жароҳатланганни авайлаш.

Механизаторларда энг кўп учрайдиган жароҳатланишлар — лат ейиш, кесиб олиш, синиш, куйиш, захарланиш, электр токи уриши ва бошқалар.

Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик ҳолда синганда артериядан, венадан ва капиллярлардан қон оқиши мумкин.

Артериядан оқадиган қон оч кизил рангли, кучли қон оқими босим остида бетухтов отилиб туради. Венадан оқадиган қон туқ рангли бўлади, ярадан отилиб чиқади, капиллярдан қон озроқ миқдорда секин чиқади.

Артериядан қон оққанда, йирик артериялар жароҳатланганда тезликда ёрдам кўрсатиш зарур. Биринчи навбатда томирни бармоқдал билан каттик босиб, суякка сиқиш керак. Қон оқишда артерияларни одам танасининг қайси еридан сиқиш лозимлиги кўрса-тилган.

Оёқ-қўллардан қон оққанда яхшиси резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан — тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган маъқул.

Боғлам қўйишда қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- терига бир неча қават қилиб тахланган латта (дастрёмол) қўйиш;
- боғламни қон тўхтагунча тортиш;
- боғлам остига кун 24 соат деб ҳисоблаганда у қачон қуйилганлиги аник ёзилган (масалан, 05 соат 35 мин.) қоғоз қўйиш.

Вена ва капилляр қон оқишни тўхтатишда босиб турадиган боғлам қўйишнинг ўзи кифоя. Бу биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида мураккаб ва қувватли техникаларни, ишлаб чиқариш жараёнлари иш тезликини ошиб бориши, интенсив технологияни татбиқ этилишини талаб этади. Шу билан бир қаторда янги кимёвий препаратларни ишлаб чиқаришга татбиқ этилишини, ишчи организмига рухий зуриқишнинг ошиб кетишини ҳисобга олади. Мухими ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллардан инсонни ишончли

химоялашда янги воситаларни ишлаб чиқдрилиш ва уларни ҳаётта татбиқ этиш керак булади. Илмий томондан асосланган меҳнат, дам олиш тартиби ва таъсирчанлик зуриқишларни камайтириш борасида чора-тадбирлар куриш, ишчиларни касбига қараб аниқ танлов утказиш, уларни касб буйича ўқитишни сифатли олиб боришга катта эътибор қаратиш шарт. Ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг хавфсизлиги ва мустаҳкамлигини ошириш, уни санитария-гигиена ва эргономик кўрсаткичларини юқорига кутариш, машиналар ишлашини назорат қилиш ва автоматик бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади.

Айнан бу соҳада, яъни мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда янги хавфсиз ва зарарсиз технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, инсонга ва табиатга тиклаб бўлмайдиган зарар етказувчи пестицидларни бошқа препаратлар билан алмаштириш, ишчиларни шахсий химояланиш воситалари билан таъминлаш, иссик овқат, тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсад қилиб қўйилган.

Қишлоқда меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш ҳамда уларни меҳнат муҳофазаси соҳасида чуқур назарий ва амалий билим, тажрибага эга булишларини ҳар томонлама назорат қилиш даркор.

Хавфсиз меҳнат стандартлар (МХСТ) асосан меъёрлаштирилган меҳнат шароитларини яратиб бериш корхоналарни лойиҳалаш, уларни жойлаштириш ва территорияни танлаш, шунингдек, унда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва иншоотларни оқилона жойлаштиришдан бошланади. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳайвонот оламини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонунларга асосланган ҳолда олиб борилади. Корхоналарни жойлаштириш ва унинг территориясини лойиҳалаш талаблари қуйидаги курилиш меъёрлари ва қоидаларига СМ ва Қ 11-97-76, СМ ва Қ 11-89-90, СМ 245-71 да ўз аксини топган. Шуларга асосланган ҳолда корхоналар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларга жойлаштирилади. Ер рельефи табиий шамолланишни таъминлаши керак. Корхоналарни сув ҳавза манбалри яқинига, органик ва бошқа ифлослантирувчи моддалар ва сув босиши хавфи

бор жойларга жойлаштириш қатъий ман этилади. Чиқинди сувларни оқизиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек ветирнария бинолари ишлаб чиқариш дориасининг паст қисмида қурилади.

Ишлаб чиқариш қуввати ва чиқадаган чиқиндиларнинг хусусияти санитария-химояланиш доирасининг ўлчамини аниқлаб беради.

Санитария меъёрларига (245-71) асосан ҳар хил санитария-химояланиш доиралари бўйича ишлаб чиқаришнинг 5 туркуми назарда тутилган:

1-1000 м (паррандачилик фабрикалари, 500 т ва ундан ортиқ пестицидлар ҳажмига эга бўлган омборлар);

2-500 м (чўчкачилик фермалари, 100-300 т гача ҳажмдаги пестицидлар омборхонаси),

3-300 м (қорамол, қўй, парранда фермалари ва 20 т дан 100 т гача сиғимга эга бўлган пестцидлар учун омборхоналар);

4-100 м (от қуёнчилик фермалари, гараж, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва автомобилларни сақлаш, двигателлни сони 200 дан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалиги техникалари парки, парник ва иссиқхоналар);

5-50 м (сабзавот, мева, картошка, дон омборлари, шахсий фойдаланиш учун молхона ва товукхона қурилмалари).

Электр, сув ёки буғ билан иситиладиган парник ва иссиқхоналар учун, мева ва сабзавотлар бирламчи ва қайта ишлов берадиган цех ва хўжаликлар учун санитария-химояланиш доиралари меъёрлаштирилмаган. Бинолар орасидаги бўлинишларнинг ўлчамлари энг баланд бинони баландлигидан кам бўлмаслиги керак. Чанглантйрувчи маҳсулотлар сақланадиган очиқ омборлар маиший хоналардан 25 м ва ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи бинолардан 50 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган бўлиши шарт. Крохона территорияси текисланган бўлиши, сунъий ёритиш, транспорт, йўлларини юқори қатлами қаттиқ қопламали, чиқинди сувлар оқизиладиган қувирлар, ўтадиган ва юрадиган йўллар бўлиши керак. Территория кўкаламзорлаштирилади, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ййғиш ва сақлаш учун жойлар ажратилади.

III- БОБ. ЛОЙИХАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари ҳамда, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва Фуқаролик кодексига мувофиқ ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини аниқлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди. Унга кўра:

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдани, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш ер участкаси бериладиган (ажратиладиган), ёки фаолияти ер участкасига ҳуқуқлар чекланишига ва ернинг сифати ёмонлашишига олиб келадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуришда ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини қоплаш лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори ўзини ўзи

молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган ва ер ажратиб бериш лойиҳасини тузадиган "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари ҳамда "Давархитектқурилиш" қўмитаси архитектура ва қурилиш бўлим (бошқарма)лари томонидан баҳолаш ташкилотини жалб этган ҳолда ер участкасини танлаш босқичида аниқланади. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тегишли равишда Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади ҳамда ер участкаларини танлаш ва ажратиш материаллари билан биргаликда давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкалари заруриятга кўра, қисмларга бўлиб берилган ҳолларда, ер участкасини ажратиш лойиҳасини тузишда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши зарарлари ва нобудгарчиликлари миқдори ажратиладиган ер участкаси майдонига, экин майдони таркибига, унда турар жойлар, бошқа бинолар ва иншоотлар мавжудлигига қараб қайта аниқланади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши зарарлари ва нобудгарчиликлари ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар янги эгага, фойдаланувчига ва ижарачига топширилгунига қадар қопланади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари қуйидаги ҳолларда аниқланади ва тўлиқ ҳажмда (шу жумладан бой берилган фойда) қопланади:

ер олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;

давлат қўриқхоналари, заказниклар, миллий табиий боғлар, табиат ёдгорликлари, маданий - тарихий ҳайкаллар, сув ҳавзалари, сув таъминоти

манбалари, курортлар тевагаида, дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, қувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза қилиш, санитария ва химоя зоналари ўрнатилиши муносабати билан ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқларини чеклаш;

сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар ажратадиган бошқа объектлар қурилиши ва улардан фойдаланилиши, ҳосилнинг пасайишига ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмонлашишига олиб келадиган бошқа хатти-ҳаракатлари таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашиши.

Ер участкаларини ёки уларнинг бир қисмини олиб қўйишда, ҳақ тўлаб олишда ёки вақтинча эгаллаб турилганда:

юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулкида бўлган ер участкасининг қиймати;

турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, агар ер олиб қўйилиши муносабати билан улардан бундан кейин фойдаланиш мумкин бўлмаса, ажратиладиган участкадан ташқаридаги объектлар қиймати;

мева-резавор, ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтлар қиймати;

тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қиймати;

бой берилган фойда қопланади.

Сарфланган материаллар (уруғлик, минерал ва органик ўғитлар, заҳарли дорилар, гербицидлар ва ҳоказолар) қийматини ҳамда амалда бажарилган ишлар қийматини (тупроқни экишга тайёрлаш, тозалаш ва дренаж тармоғини тозалаш, уруғ экиш, суғориш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қиймати бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Ер участкаларидаги бинолар ва иншоотлар бузилган ҳолда ер участкалари олиб қўйилиши билан боғлиқ юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси қиймати тегишли йиллар учун молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисоботдан қабул қилинадиган охирги уч йилдаги йиллик ўртача соф фойдадан ва янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган даврдан келиб чиқиб аниқланади. Янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган давр ер участкасини олиш учун вақт, бузилиши керак бўлган бундай объектни лойиҳалаштириш ва қурилишнинг норматив муддатлари ҳисобланади.

Ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқаришда бой берилган фойда миқдори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариладиган ер участкасидан олинадиган охирги уч йилдаги ўртача йиллик соф даромад миқдорининг янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, уларни маданийлаштириш ишлари ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича бошқа ишлар лойиҳалаштириладиган, бажариладиган тўрт йилга кўпайтирилган суммаси сифатида аниқланади.

Бир йилдаги соф фойда суммаси 1 га суғориладиган ерга охирги 3 йилдаги ўртача йиллик соф даромаддан келиб чиқиб ва олиб қўйиладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйишда юридик ва жисмоний шахсларга тенг қийматли ер участкалари берилган ҳолларда бой берилган фойда қопланмайди.

Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида юзага келган таъсир натижасида қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларнинг сифати ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган зарарлар миқдори қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашувига олиб

келадиган сабабларни тугатиш бўйича тадбирлари ва ушбу ерларнинг илгариги сифат ҳолатини тиклаш бўйича тадбирлари қиймати сифатида аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур бўлган харажатларга тупроқ, агрокимё ва бошқа махсус текширишлар ҳамда қидиришлар, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ушбу экин майдонларининг сифатини тиклашни таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш харажатлари киритилади.

Доимий фойдаланиш учун ер беришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$H_{\kappa/\chi m} = \{ [(C_{\text{суғ.}} \times S_{\text{суғ.}}) + (C_{\text{лал.}} \times S_{\text{лал.}}) + (C_{\text{суғ.}} \times S_{\text{б.суғ.}} \times 0,1) + (C_{\text{лал.}} \times S_{\text{б.лал.}} \times 0,1) + (C_{\text{п.я.}} \times S_{\text{п.я.}})] \times K_{\text{жой}} \times K_{\text{и}} \} + C_{\Phi}, \text{ бунда: (1)}$$

H_{κ/χm} - қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги, минг сўм;

C_{суғ.} - суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) олиб қўйиладиган 1 гектари ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати Низомнинг 31-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

C_{лал.} - олиб қўйиладиган 1 га лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати Низомнинг 32-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

C_{п.я.} - олиб қўйиладиган 1 га пичанзор ва яйловлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати Низомнинг 34-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

S_{суғ.} - олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно), га;

S_{лал.} - олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар майдони, га;

S_{б. суғ.} - олиб қўйиладиган суғориладиган бўз ерлар майдони, га;

S_{б.лал.} - олиб қўйиладиган лалми бўз ерлар майдони, га;

S_{п.я.} - олиб қўйиладиган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

K_{жой} - олиб қўйиладиган ер участкасининг жойлашган жойини ҳисобга оладиган коэффицент Низомнинг 36-бандига мувофиқ қабул қилинади;

Ки - ушбу Низомнинг 48-бандига мувофиқ қабул қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффиценти;

СФ - охирги тўрт йилда олиб қўйилган ер участкасида олинадиган соф фойда суммаси, минг сўм.

Ёнган, нобуд бўлган ўрмон ўсимликлари ўрни, ўрмоннинг дарахт кесиш учун ажратилган дарахтзорга айланмаган жойлари олиб қўйилганда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини қоплашнинг базис ставкалари Низомнинг 3-бандига мувофиқ лалми экин ерлари олиб қўйилгандаги базис ставкаларга, бўш ётган ер ва яланглик олиб қўйилганда - лалми бўз ерлар олиб қўйилганлиги учун базис ставкаларга тенглаштирилади.

Олиб қўйиладиган ер участкасидан аҳоли пунктигача бўлган масофага ҳамда муҳандислик коммуникациялари ва энергия манбалари мўллигига қараб нобудгарчиликлар миқдorigа Низомнинг 3-илоvasида келтирилган коэффицентилар қўлланилади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, агар қурилаётган объектларнинг муҳофаза, санитария ва ҳимоя зоналаридаги ўрмонзорларни қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариш ёки уларни камроқ қийматли ерга ўтказиш мўлжалланаётган тақдирда қопланади.

Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ва ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарни аниқлаш қуйидаги муддатларда олиб борилади:

- Туман (шаҳар) ҳокими (ер участкаси ажратиш тўғрисида ариза - 3 кун);
- Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (1 кун);
- Бошқа зарарларни аниқлаш (10 кун);
- Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини аниқлаш (5 кун);

- Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини аниқлаш материаллари ер участкасини танлаш материаллари билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланиши (3 кун).

Лойиҳавий ечимларда ер ажратилиши ҳисобига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоб –китоблар қуйидаги 11 -жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Ечимлар бўйича қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги миқдори ҳисоби

№	Ер тури номи	Майдони,га	1га майдоннинг меъёрий қиймати, минг сўм	Умумий қиймати, минг сўм
1	Яйлов	<u><i>I- ечим</i></u> 2.3	137.2	315,6
1	Хайдалма ер	<u><i>II- ечим</i></u> 1.7	23261	39543,7

11- жадвал маълумотларига ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори I-ечим бўйича II-ечимга нисбатан 39228,1 минг сўмга кам экан.

3.2. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари қуйидаги ҳолларда аниқланади ва тўлиқ ҳажмда (шу жумладан бой берилган фойда) қопланади:

ер олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда; давлат кўрикхоналари, заказниклар, миллий табиий боғлар, табиат ёдгорликлари, маданий-тарихий ҳайкаллар, сув ҳавзалари, сув таъминоти

манбалари, курортлар тевагаида, дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, кувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза қилиш, санитария ва химоя зоналари ўрнатилиши муносабати билан ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқларини чеклаш;

сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар ажратадиган бошқа объектлар қурилиши ва улардан фойдаланилиши, ҳосилнинг пасайишига ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмонлашишига олиб келадиган бошқа хатти-ҳаракатлари таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашиши.

Ер участкаларини ёки уларнинг бир қисмини олиб қўйишда, ҳақ тўлаб олишда ёки вақтинча эгаллаб турилганда:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулкида бўлган ер участкасининг қиймати;
- турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, агар ер олиб қўйилиши муносабати билан улардан бундан кейин фойдаланиш мумкин бўлмаса, ажратиладиган участкадан ташқаридаги объектлар қиймати;
- мева-резавор, ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтлар қиймати;
- тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қиймати;
- бой берилган фойда қопланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкаси қиймати ерни олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда унинг бозор қийматидан келиб чиқиб баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.

Турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган, шунингдек, агар ер олиб қўйилиши муносабати билан

улардан бундан кейин фойдаланиш мумкин бўлмаса, ажратиладиган участкадан ташқаридаги объектлар қийматини баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Мева берадиган мева-резавор дарахтлари, шунингдек ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтларни баҳолаш кўчатларнинг қиймати ҳамда уларни экиш ва мева бергунга ёки шох-шаббаларнинг туташиб кетишига қадар етиштириш харажатлари баҳолаш давридаги жорий нархлари бўйича амалга оширилади.

Мева бермайдиган мева-резавор дарахтлари, шунингдек шохлари туташмаган ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтларни баҳолаш амалдаги харажатлар бўйича амалга оширилади.

Сарфланган материаллар (уруғлик, минерал ва органик ўғитлар, заҳарли дорилар, гербицидлар ва ҳоказолар) қийматини ҳамда амалда бажарилган ишлар қийматини (тупроқни экишга тайёрлаш, тозалаш ва дренаж тармоғини тозалаш, уруғ экиш, суғориш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қиймати бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Ер участкаларидаги бинолар ва иншоотлар бузилган ҳолда ер участкалари олиб қўйилиши билан боғлиқ юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси қиймати тегишли йиллар учун молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисоботдан қабул қилинадиган охирги уч йилдаги йиллик ўртача соф фойдадан ва янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган даврдан келиб чиқиб аниқланади. Янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган давр ер участкасини олиш учун вақт, бузилиши керак бўлган бундай объектни лойиҳалаштириш ва қурилишнинг норматив муддатлари ҳисобланади.

Ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқаришда бой берилган фойда миқдори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариладиган ер участкасидан олинадиган охириги уч йилдаги ўртача йиллик соф даромад миқдорининг янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, уларни маданийлаштириш ишлари ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича бошқа ишлар лойиҳалаштириладиган, бажариладиган тўрт йилга кўпайтирилган суммаси сифатида аниқланади.

Бир йилдаги соф фойда суммаси 1 га суғориладиган ерга охириги 3 йилдаги ўртача йиллик соф даромаддан келиб чиқиб ва олиб қўйиладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйишда юридик ва жисмоний шахсларга тенг қийматли ер участкалари берилган ҳолларда бой берилган фойда қопланмайди.

Ер участкаларининг бир қисми олиб қўйилиши ёки вақтинча эгаллаб турилиши натижасида суғориш, қуриштириш ва йўл тармоқлари, эрозияга қарши ва селга қарши объектлар ва иншоотлар (тизимлар) иши қисман ёки тўлиқ бузилганда ер участкаси ажратиладиган юридик ва жисмоний шахслар янги объектлар ва иншоотлар (тизимлар)ни қуришга ёки мавжудларини реконструкция қилишга мажбурдир.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланиши муносабати билан юридик шахсларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрган зарарлари, агар муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатилиши муносабати билан бинолар ва иншоотларни бузиш (кўчириш) ёки ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариш мўлжалланаётган тақдирда қопланади.

Бинолар ва иншоотларни бузиш (кўчириш) билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарлар миқдори Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда аниқланади.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкалари ажратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида, зарурият бўлганда, уларнинг муҳофаза, санитария ва ихота зоналари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ер

майдонлари, тури ва сифати, ушбу зоналарда ердан бундан кейин фойдаланиш режими, шунингдек ушбу зоналарга ер участкаларига бўлган ҳуқуқ чекланиши билан етказилган зарарлар миқдори аниқланади.

Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида юзага келган таъсир натижасида қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларнинг сифати ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган зарарлар миқдори қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашувига олиб келадиган сабабларни тугатиш бўйича тадбирлари ва ушбу ерларнинг илгариги сифат ҳолатини тиклаш бўйича тадбирлари қиймати сифатида аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур бўлган харажатларга тупрок, агрокимё ва бошқа махсус текширишлар ҳамда қидиришлар, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ушбу экин майдонларининг сифатини тиклашни таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш харажатлари киритилади.

Ер участкаларини олиб қўйиш, ҳақ тўлаб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари чекланиши ёхуд қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашуви туфайли уларнинг кўрган зарарларини шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш учун мўлжалланган маблағлар уларга ер участкаси ажратиладиган тегишли юридик ва жисмоний шахслар томонидан зарар етказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ечимлар бўйича ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги

12-жадвалда келтирилган маълумотларига кўра ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдори I-ечим бўйича II-ечимга нисбатан 10796 минг сўмга кам экан шу сабабли лойиҳа асоси сифатида I-ечимни қабул қиламиз.

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Лойиҳанинг ҳар бир ечимида белгиланган чегаралар ичидаги участканинг умумий майдони ҳисобланади, ер турларининг таркиби ва майдонлари аниқланади. Бу майдонлар 1:10000 (ёки 1:25000) масштабдаги планларда 0,1 га аниқликда ҳисобланади. Кейин ерларнинг экспликацияси тузилади, лойиҳани ўзлаштириш йиллари бўйича участкалардан фойдаланиш муддатлари ва мулкчилик шакллари бўйича ерларнинг майдонлари белгиланади.

Лойиҳаланаётган ердан фойдаланиш чегараси ичида жойлашган ерлар сифати (жойлаштиришнинг ҳар бир ечимида) шу ҳудудда бор тупроқ ва бошқа изланишлар, ерларнинг сифат баҳоси материаллари бўйича аниқланади. Бу маълумотлардан ер участкасини жойлаштириш ечимларини солиштириш, зарур қишлоқ хўжалик зарарлари миқдорини ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Шу билан бир вақтда, қишлоқ хўжалик ерларини олиш, ноқишлоқ хўжалик объектларини жойлаштириш келтириб чиқарадиган экологик, ҳудудий, иқтисодий ва бошқа турдаги салбий оқибатлар ва унинг атрофдаги ҳудудга ва табиий муҳитга таъсири аниқланади. Уларга қуйидагилар киради:

мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг, қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларининг ҳудудларини ички ташкил этишнинг бузилиши, транспорт алоқаларининг ёмонлашиши;

ташкил этилаётган ердан фойдаланишга туташ ерларнинг вақтинча ёки доимий ифлосланиши, бузилиши, сув босиши, сизот сувларининг кўтарилиши, ортиқча намланиши, қуриб қолиши, эрозиянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ сифатининг пасайиши;

сув манбааларининг, атмосферанинг ва ш.ў. ифлосланиши.

Булардан ташқари, аҳоли яшаш жойларига салбий таъсирлар пайдо бўлиши мумкин; айрим ҳолларда берилган участкада ёки унинг атрофидаги минтақада жойлашган бинолар ва иншоотларни бузиш ва кўчириш зарурати пайдо бўлади.

Ерларни олиш ва лойиҳаланаётган объектларни жойлаштириш билан боғлиқ салбий жараёнларни минималлаш ёки тугатиш учун зарур тадбирлар таркиби ва бу тадбирлар учун зарур харажатлар миқдори аниқланади.

Мазкур лойиҳада газ қўйиш шахобчасининг атроф-табiiй муҳит ва аҳоли яшаш жойларига бўлган салбий тасирини камайтириш учун газ қуйиш шахобчаси ва аҳоли пункти оралиғида 0,6 га, майдонда теракзор барпо қилиш режалаштирилган.

12 -жадвал

Ечимлар бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари кўрадиган зарар ҳисоби

№	Контур рақами	Ер тури ёки қишлоқ хўжалик экини номи	Майдони, га	Хосилдорлик, ц/га	Ялпи хосил, т	1 тонна ҳарид нархи, минг сўм	Умумий қиймати, минг сўм	Фойда, минг сўм	4 йил давомида бой берилган фойда, минг сўм
<i>I- ечим</i>									
1	519	яйлов	2.3	8	1,84	250	460	90	360
<i>II- ечим</i>									
1	441 қ	пахта	1.7	28	4,76	600	2856	718	2872

Хулоса

Битирув малакавий иши тасдиқланган топшириқ ва дастур асосида бажарилган бўлиб унда мавжуд қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер ажратиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилган.

Топшириқда белгиланган вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда ер майдони ажратилаётган массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ўрганиб чиқилди. Сўнгра массив ҳудудидан қайси мақсадлар учун ер ажратилиши ва ушбу мақсадлар учун ер майдонларини ажратишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ўрганиб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида икки ечимда ер майдонлари танланди ва асосланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилган 146-сонли қарори асосида ер ажратиш натижасида кўриладиган зарарлар миқдори икки кўринишда ҳисоблаб топили:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг нобудгарчилиги;
- қишлоқ хўжалик корхонасининг кўрадиган зарари.

Бажарилган ҳисоб — китоблар I - ечим бўйича ер майдонлари ажратилганда II - ечимга нисбатан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши нобудгарчилиги 39228,1 минг сўмга, қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган зарар 1752.0 минг сўмга ва 4 йил давомида бой берилган фойда 2512 минг сўмга эканлиги аниқланди.

Юқорида келтирилгант ҳисоб-китоблар натижасига кўра I-ечим бўйича жойлаштириш лойиҳасини самарали деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳанинг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		Фарқи +;-
			I - ечим	II - ечим	
1	Ажратилаётган ер майдони, жами	га	2,3	1,7	0,6
2	Ажратилаётган ер участкасининг сифат кўрсаткичи	балл	-	63	-63
3	Қишлоқ хўжалик ер турлари майдони, жами III.ж.; хайдалма ер	га га	2,3 -	1,7 1,7	0,6 1,7
4	Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдори	минг сўм	315,6	39543,7	-39228,1
5	Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган зарар миқдори	минг сўм	1104	2856	-1752
6	4 йил давомида бой берилган фойда	минг сўм	360	2872	-2512

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон ХХІ бўсағасида”, Т.: Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т.: Ўзбекистон, 1998
5. И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.: Ўзбекистон, 2008
6. И.А.Каримов, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т.: Ўзбекистон, 2012
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998
8. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
- 10.Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» Янги тахрир. Т.: Ўзбекистон,2004
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сонли қарори билан тасдиқланган Низом.
- 12.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди, 2004
- 13.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
- 14.Авезбоев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002

- 15.Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ,2008
- 16.Бобожонов Р.Д.Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.:ТИМИ, 2005
- 17.Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқ. Ер ҳуқуқи. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002
18. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқуллода вазиятларда ғуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
- 19.Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
- 20.Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2007
- 21.Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Ғуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
- 22.www.prom.kz Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ.
- 23.www.18.rosfirm.ru Управления земельных ресурсов и землеустройства.
- 24.www.kadastr.ruУправление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования.
- 25.www.baseref.ruУправление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях.

ИЛОВАЛАР